# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 17 (8.752) ◆ 1996 йил 9 февраль, жума ◆ Сотувда эркин нархда


# ЮКСАК ОЛИМПИЯ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

*ЛОЗАННА, 6 февраль ЎзА махсус мухбири хабар қилади.*

Бугун Халқаро Олимпия Қўмитасининг қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олтин Олимпия орденини топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Бу ноёб орденга элликдан ортиқ киши сазовор бўлган. Улар орасида қироллар сулоласи аъзолари, Рим папалари, Франсуа Миттеран, Борис Ельцин ва бошқа атоқли давлат арбоблари бор.

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранч юксак мукофотни топширар экан, Ислом Каримовга бундай деди: «Сизнинг жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматларингиз ва олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер Де Кубертен ишлаб чиққан олимпия идеалларига садоқатингиз учун биз сизни олимпия ордени билан мукофотлаймиз».



*СУРАТДА: орденни топшириш пайти.*

Президент Ислом Каримов Халқаро Олимпия Қўмитаси ва шахсан қўмита президентига миннатдорлик билдирди. Олимпия ҳаракати сиёсий йўналиши ва иқтисодиёти даражасидан қатъи назар барча мамлакатларни спорт орқали бирлаштира бориб, давлатлараро муносабатлар тизимида кучли жипслаштирувчи омил бўлиб қолгани айниқса қувончлидир, деб таъкидлади Президент.

Маросимда олимпия ҳаракати ва жамоатчиликнинг кўзга кўринган вакиллари, журналистлар иштирок этди.



*СУРАТДА: Олтин Олимпия ордени.*




*СУРАТДА: Олтин Олимпия орденининг дипломи.*

Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Лозаннадаги олимпия ҳаракати музейини бориб кўрди.

Ўзбекистон Президенти шу куни Ватанига жўнаб кетди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 февраль куни Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида уни республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Б. Бугров, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олдилар.

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УНГА ОЛИМПИЯ ОЛТИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноблари!

Халқаро Олимпия Қўмитаси аъзолари — жаноблар!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга кўрсатган юксак ҳурматингиз — мени Олимпия Олтин ордени билан мукофотлашга қарор қилганингиз учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Мен бу мукофотни катта ҳаяжон билан қабул қилиб оляпман, чунки у моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ўта ноёб мукофотдир.

Мен спортни севмайдиган кишини топиш қийин, десам бирон-бир янгилик кашф этган бўлмайман. Чунки спорт замирида ҳар бир киши ўзининг эзгу орзу-умидларини амалга ошириши учун улкан имкониятлар мавжуд. Спорт ҳар бир давлат арбоби ва сиёсатчи учун ҳамиша ўз кучи ва истеъдодини синаб кўрадиган муҳим соҳа бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Жаноб Самаранч, сизнинг қўлингиздан, олимпия ҳаракатини ривожлантириш учун кўп иш қилган, ишончим комилки, бундан кейин ҳам кўп иш қиладиган кишининг қўлидан Олий Олимпия мукофотини қабул қилиб олиш мен учун жуда ёқимлидир.

Менга сизнинг спорт тараққиётини маданият ва маориф тараққиёти билан қўшиб олиб бориш принципингиз жуда маъқул, жаноб Самаранч.

Халқаро Олимпия Қўмитаси барча ирқлар ва халқлар тенглиги учун ҳаммадан кўп жон куйдираётган ташкилот, одамлар ўртасидаги ҳар қандай ғовларни олиб ташлаб, инсоннинг жисмоний ва маънавий камолотини кўзлаб уларни қардошларга айлантиришга қодир бўлган кучдир, десам бошқалар хафа бўлмаса керак.

Азиз дўстлар, биз кўпинча ўзимизга нега олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи учун шу қадар кўп мамлакат ва халқлар курашади, деган саволни берамиз.

Бу саволга жавоблар жуда кўп, бу жавобларнинг ҳаммаси ҳам тўғри. Олимпия ўйинларини ўтказишдан мамлакатлар, шаҳарлар, сиёсат, бизнес ҳам манфаатдордир.

Аммо одамлар ва халқлар ўртасидаги яхши муносабатлар, дўстлик, ҳамжиҳатлик асосий ютуқ бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Шу сабабли олимпия ҳаракати ҳозирги шароитда улкан аҳамиятга эга бўлди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти жаноблари!

Халқаро Олимпия Қўмитаси ҳомийлигида биринчи Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш доирасида Ўзбекистонга ташрифингизни биз алоҳида мамнуният билан эслаймиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлаб қабул қилинган Ўзбекистон қонунларидан бири жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун эканини сиз яхши биласиз. Бу қонунда республикада олимпия ҳаракатини ривожлантиришни давлат рағбатлантиради ва бунинг учун ҳамма шарт-шароитни яратади, дейилган.

Ўзбекистон Миллий Олимпия Қўмитаси 1992 йил 21 январда тузилган. 1993 йилнинг сентябрида эса Халқаро Олимпия Қўмитасининг 101-сессияси бизнинг Миллий Олимпия қўмитамизни тўла-тўкис таниган. Бунинг учун ҳам сиздан самимий миннатдормиз.

Биз олимпия оиласига расмий равишда 1993 йилда қабул қилинган бўлсак ҳам, Ўзбекистон спортчилари 1952 йилдан бошлаб олдин СССР таркибида, 1992 йилдан бошлаб эса МДҲ таркибида барча олимпия ўйинларида иштирок этган.

Ўзбекистон спортчилари олимпия ўйинларида анча муваффақиятли қатнашган. 15 спортчи чемпион бўлган, 12 спортчи кумуш, 9 киши бронза медали олган.

Дарвоқе, Барселонадаги ўйинларда учта спортчимиз — иккита гимнастикачи қиз ва битта енгил атлетикачи олимпия ўйинлари чемпиони бўлди.

Ажойиб спортчимиз Лина Черязова Лиллехамердаги қишки олимпия ўйинларида фристайл бўйича биринчи олимпия чемпиони бўлди.

Хиросимада ўтказилган XII Осиё ўйинларида илк бор иштирок этган Ўзбекистон спортчилари 10 та олтин, 11 та кумуш ва 19 та бронза медални қўлга киритиб, норасмий умумкоманда ҳисобида 5-ўринни эгаллашди. Футбол командамиз ютуғи, айниқса яхши эсда қолди, футболчиларимиз ҳақли равишда Осиёдаги кучли командалардан бири эканини кўрсатди.

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз дўстлар!

Бугун мен олимпия ғояси спорт мусобақаларини ташкил этиш ҳамда ер куррасидаги барча кучли спортчилар тўпланадиган йирик анжуманларни ўтказишдан кўра кенгроқ тадбирларни ўз ичига олади, деб ҳисобловчиларни қўллаб-қувватламоқчиман.

Ўзининг тарбиявий аҳамияти, байрам маросимлари, санъати билан вужудга келган обрў-эътибори, буюк артистлар, олимлар, файласуфлар ва шоирлар ўз ҳиссасини қўшган алоҳида муҳит ҳамда спортга умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми, деб қарашга имкон берадиган гўзал рамз бўлмаса, буларсиз олимпия ҳаракати, олимпия ўйинларининг ўзи ҳам ҳозиргидек ривожланмаган бўларди.

Сўнгги ўн йилликларда олимпиадаларнинг кўлами анча ошди. Ҳар тўрт йилда бу ўйинларда иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони доимий равишда кўпайиб бораётганидан фахрланишимиз лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ Халқаро Олимпиада қўмитасининг аъзолари БМТга аъзо бўлган давлатлардан ҳам кўпроқ.

Олимпия ҳаракати давлатлараро муносабатлар тизимида уларни бир-бирига яқинлаштирувчи, спорт орқали сиёсий йўналиши ва иқтисодиёти даражасидан қатъи назар барча мамлакатларни бирлаштирувчи қудратли омил бўлиб қолди.

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги сиёсий мухолифлик даври орқада қолган ҳозирги пайтда жаҳон олимпия қўмитаси олимпия ҳаракатини ривожлантиришнинг янги ёндашувлари ва истиқболларини белгилаганини кўриб турибмиз. Тинчлик ва одамларнинг бирлашуви рамзи бўлган олимпия ўйинларининг табиатида спортчиларни уларнинг миллати, ирқи ёки динидан қатъи назар, бир-бирига яқинлаштиришнинг катта имкониятлари мавжуд.

Жаноб Самаранч!

Хонимлар ва жаноблар!

Халқаро Олимпия Қўмитасининг фахрий мукофоти учун яна бир бор чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсизлар.

Очиғини айтсам, мен ҳеч қачон орденларимни тақиб юрмайман. Лекин ҳозир кўнглимда янги орзу пайдо бўлди — яқин келажакда бизнинг орзуларимиз ушалиб, Тошкентда олимпия олови ёқилганида мен шу орденни тақиб ватаним пойтахтидаги олимпия ўйинларида ҳозир бўламан ва иштирок этаман, деб умид қиламан.

Хонимлар ва жаноблар, шу орзу-умидимиз ушалиши йўлида бизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб умид қиламан.

Ҳаммангизга саломатлик ва бахт-саодат, олимпия ҳаракатига ривож ва равнақ тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўлмас ижодий мерсини тарғиб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси 1996—2000 йиллар мобайнида Алишер Навоийнинг 20 томлик асарлари тўпламининг тўлиқ нашрини амалга оширсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги 1996 йилда тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ёдгорлигини таъмирлаш, ёдгорлик атрофини ободонлаштириш ва шоир асарларини ижро этиб турувчи фонограмма системасини ўрнатиш чораларини кўрсинлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Фанлар академияси, Маданият ишлари вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ҳисоб-китобларга асосан бўладиган харажатларни қоплаш манбаларини аниқлаш юклатилсин.
4. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 8 февраль.

# БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Кеча Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов Индонезиянинг «Бакри групп» компаниялари президенти Абрузал Бакрини қабул қилди.

❑ Индонезиянинг «Бакри групп» компаниялари гуруҳи Тошкентда ўтган йил ёзида Ҳиндистоннинг «Тата» фирмаси томонидан қурилган «Ўзбектуризм» меҳмонхонасини сотиб олди. Вазирлар Маҳкамасида шу муносабат билан индонезиялик амалий доиралар вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

❑ Туркия Президенти Сулаймон Демирэл муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовга самимий табрик йўллади.

❑ Ангренда маҳаллий хом ашёдан йилига 20 минг тонна целлюлоза ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди. Яқин вақт ичида қоғоз хом ашёси ишлаб чиқариладиган яна иккита шундай линияни фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

❑ Фарғонада Алишер Навоийга ўрнатилган ҳайкал тантанали вазиятда очилди.

❑ Бухоронинг йигирма беш асрлик тўйи арафасида шаҳарда янги аэровокзал ҳамда 2600 ўринли муҳташам цирк биносини фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

## ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия Президенти Борис Ельцин Чеченистондаги урушни тугаллашнинг 7 варианти мавжудлиги тўғрисида баёнот берди. Икки ҳафта ичида Бош вазир Виктор Черномирдин раҳбарлигидаги гуруҳ уларни ўрганиб чиқиб, урушни тўхтатиш юзасидан энг мақбул таклифни тайёрлаши керак.

❑ Чеченистон ҳукумати Грозныйда собиқ президент саройи олдида мана олти кундан бери давом этаётган рухсат этилмаган митингни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг бу майдонда баррикадалар пайдо бўлди. Чеченистоннинг турли бурчакларидан Грозныйга кўплаб митинг тарафдорлари келяпти.

❑ «Немис тўлқини» радиосининг маълум қилишича, Жоҳар Дудаев Гаагадаги халқаро трибунал олдида жавоб беришга тайёр экан. Халқаро ҳуқуқшуносларнинг ўзи Шимолий Кавказда ким ҳарбий жиноятлар қилганлигини аниқлашларига имкон бериш учун у шу таклифни айтган.

❑ Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов Бош вазир Жамшид Каримовни вазифасидан бўшатиб, бу лавозимга мамлакатдаги йирик саноат корхоналаридан бирининг раҳбари, 48 ёшли Яҳё Азимовни тайинлади.

❑ Ашхабодда Тожикистон маъмурлари ва мухолифатчилари ўртасидаги музокаралар боши берк кўчага кириб қолганлиги сабабли БМТ Бош котибининг махсус вакили Тожикистондаги можарони ҳал этиш юзасидан халқаро ҳамжамият таклифини муҳокамага қўйди.

❑ Олмаотада 15 мамлакат ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чораларига бағишланган олий даражадаги халқаро анжуман ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этдилар.

❑ Молдова парламенти Президент Мирча Снегурнинг мамлакатда ҳозирги молдаван тили ўрнига румин тилини давлат тили, деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини муҳокама этяпти.

## ХОРИЖДА

❑ АҚШда ошкор этилган махфий ҳужжатларга қараганда сўнгги ярим аср мобайнида Америка 39 мамлакатга, шу жумладан Исроил, Ироқ, Эрон, Жанубий Африка Республикаси, Бельгия, ГФРга ядро қуроли яратиш учун зарур бўлган плутоний сотган.

❑ Финляндияда расмий ташриф билан бўлган Украина Президенти Леонид Кучьма бу мамлакат раҳбарияти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

❑ Бугун Хельсинкида АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер билан Россиянинг янги ташқи ишлар вазири Евгений Примаков ўртасида икки кунлик музокаралар бошланди.

❑ Хитойнинг Юньнан вилоятида яна бир бор кучли зилзила рўй берди. Сўнгги маълумотларга кўра бу ерда ҳозиргача табиий офатдан 255 киши ҳалок бўлган, 3866 киши оғир талафотлар кўрган.

❑ Доминикан республикаси соҳили яқинида қулаб тушган «Боинг-757» самолётидаги 189 йўловчидан ҳозиргача юзтасининг жасади Атлантика океанидан топилди.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ — БУГУНГИ КУН НАФАСИ

*Тошкент шаҳар ҳокимлигида*

# ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигида соғлиқни сақлаш муассасалари, турли ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари, туман ҳокимликлари вакиллари иштирокида юқумли касалликларнинг олдини олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида турли ўткир юқумли касалликларга қарши кураш бўйича ўтган йили қилинган ишлар ва 1996 йилда олдинда турган вазифалар хусусида шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Малика Зиёева маъруза қилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Тошкент аэропорти, шаҳар «Сувсоз» трести, «Ўзбектуризм» компанияси, шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси, «Экосан» халқаро жамғармаси раҳбарлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов сўзга чиқди.

Йиғилишда бу йил ўткир юқумли касалликларга қарши таъсирчан кураш олиб боришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

*«Ўзбекистон — Ватаним маним»*

# ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТСИН

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг маданият ишлари бош бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги қарорининг пойтахтимиз туманларида қандай бажарилаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.***

Муҳокамада маданият ишлари бош бошқармаси ва туманларда ушбу кўрик-танловнинг бориш жараёни ҳақидаги ҳисоботлар тингланди, ишлар кўлами таҳлил қилинди. Бу борада муайян ишлар қилинган. Шунинг билан бирга маданият ишлари бош бошқармаси ва унинг жойлардаги тизимлари фаолиятида сусткашликка ҳам йўл қўйилаётганлиги айтилди.

Ушбу кўрик-танловнинг ғоявий-амалий аҳамияти алоҳида таъкидланиб, бу борадаги сусткашликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда кўрик-танловни мазмунли ўтказиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов олиб борди.

# БУЮК ШОИРГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида буюк бобокалон шоиримиз Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишланган «Навоий ва санъат» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманни институт директори, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Тўхтасин Ғофурбеков қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг «Навоий даврида анъанавий кулги театри», «Навоий — мусиқачилар ҳомийси», «Навоий назмида мақом санъати», «Уйғур муқомларида Навоий шеърияти» ва бошқа мавзуларда санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров, Тошкент Давлат консерваторияси доценти Зокиржон Орипов, филология фанлари номзоди Суюма Ғаниева, санъатшунослик номзоди Оқилхон Иброҳимов ва бошқалар маъруза қилишди.

Қатнашчилар орасида туркиялик тадқиқотчилар Аҳмедбой Севги, Исанбика Тўғон Зеҳн Волидий, юртимиздаги Эрон Ислом Республикаси элчихонасининг маданият ва матбуот бўлими бошлиғи Меҳроб Ражабий каби хорижлик меҳмонларнинг борлиги Навоий ижодига бўлган қизиқиш дунёнинг кўпгина мамлакатларида тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Анжуман сўнгида мумтоз қўшиқчилигимизнинг дурдона асарларидан намуналар ижро этилди.

Назокат УСМОНОВА.

*Харбиндан хушхабар*

# ҲАМЮРТИМИЗНИНГ БИРИНЧИ МЕДАЛИ

Хитойнинг Харбин шаҳрида ўтаётган 3-қишки Осиё ўйинлари қизғин паллага кирмоқда. Унда Ўзбекистондан 10 нафар спортчимиз ҳам 3 тур бўйича қатнашмоқда. Ниҳоят, ўтган куни Харбиндан дастлабки хушхабар олинди. Фристайл бўйича акробатика баҳсида вакилимиз Сергей Бренер учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалига сазовор бўлди. Шундай қилиб, қишки Осиё ўйинларининг тўртинчи куни командамиз учун дастлабки медаллар ҳисоби очилди. Бунинг сабаби шундаки, спортчиларимиз ўйинлар жадвалидаги 3 хил спорт тури бўйича беллашяптилар, улар учун биринчи мусобақа юқоридаги биринчи медални келтирди.

Бугун жамоамизнинг асосий умиди — олимпия чемпиони Лина Черязова баҳсларда ўз маҳоратларини кўрсатади.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*Тамарахонимнинг 90 йиллигига*

# ШАРҚ РАҚСЧИЛИГИНИНГ ГАВҲАРИ

Бу йил халқимизнинг севимли раққосаси, хонандаси, балетмейстери, қолаверса,етук педагоги бўлмиш Тамарахоним таваллудининг 90 йиллиги нишонланади. Тамарахоним ўзбек санъатини шакллантириш ва уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ўзбек халқининг



санъати хазинасини ўз куй ва қўшиқлари билан бойитди, бу соҳада ўзига хос мактаб яратди. Ушбу мактабдан жуда кўп истеъдодли раққосалар баҳраманд бўлдилар. Тамарахонимни нафақат ўзбек, балки хорижий таниқли санъаткорлар ҳам ўз устозлари деб биладилар.

Тамарахоним арман қизи, лекин у гўзал Ўзбекистон юртида туғилди, ўсди, унди, доимо ижодий изланди ва санъатда юксак чўққиларга кўтарилди.

Унинг Англия пойтахти Лондонда I халқаро рақс санъати фестивалида иштирок этгани (1935 йил).Париждаги I Бутундунё халқ санъати кўргазмасида қатнашгани (1925 йил) ва фахрий унвонларга сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Лондон матбуотининг таъбири билан айтганда «Шарқ рақсчилигининг гавҳари» бўлмиш Тамарахоним ер юзидаги кўпгина чет эл мамлакатларига гастроль қилиб, ўзбек санъати шуҳратини оламга таратди. Унинг 500 дан ортиқ қўшиқ ва рақслари Польша, Руминия, Ҳиндистон, Франция, Германия, Англия, Норвегия, Эрон каби 86 дан зиёдроқ чет мамлакатларда ўзининг мухлисларини топди. У шу мамлакатларнинг таниқли санъаткорлари билан ижодий ҳамкорлик қилди.

Унинг 1941 — 1945 йиллардаги уруш даврида қилган хизматларини айтмай иложимиз йўқ. Юксакларда парвоз қилган санъаткор уй- музейининг ташкил қилиниши, унинг номига берилган мукофотлар ва унвонларнинг барчаси санъатга қилинган кўп йиллик самарали, ҳалол меҳнат, серқирра ва сержило ижодга берилган муносиб баҳодир.

Ўзбекистон Республикаси кино, расм, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар ичида Тамарахоним ҳаёти ва ижоди акс эттирилган алоҳида бир бўлим мавжуд. Бўлимда ҳужжатли фильмлар, овозли ёзувлар, расм ҳужжатлари бор. Биз учун қимматли бўлган



санъаткор сиймосини экранда кўриш, унинг қўнғироқдек овозини магнит лентасида тинглаш, бир неча ўн йиллар давомида сақланиб келаётган суратларини кўздан кечиришдек бахтга мушаррафмиз. Сиз ҳам ана шу бахтдан бебахра қолманг, деган мақсадда турли йил ва турли жойларда тасвирга туширилган суратларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Умида АКРАМОВА,
Ўзбекистон Республикаси кино, расм, овозли ҳужжатлар Марказий давлат архиви ходими.



*Йиллар қатидаги сирлар*

# ЁЗУВЧИЛАР ВА АЁЛЛАР

❑ Француз ёзувчиси Альфонс Додэнинг ҳаётида аёллар ўчмас из қолдирган. У бир журналистга берган мусоҳабасида «Биз французлар яшашнинг қадрига ета биламиз ва ҳаётни севамиз» деган экан.

Ҳаёт мазмунини аёлда деб тушунган ёзувчининг бу сўзида катта маъно ётса керак. У ёшлик чоғида аёллар билан кўп кўнгилхушлик ўтказгани сабабли, кейинчалик умрбод уйланмасликка аҳд қилади. Сабаби, унга уйланиш ёзувчилик билан хайрлашишдек гап эди.

Бироқ Альфонс сўзида турмайди, уйланишга мажбур бўлади. У ўзига феъл-атвори ва адабиётга яқинлиги билан тенг турган Жюли исмли ёзувчи қизни севиб қолади. Жюли унинг севимли аёлигина эмас, ажойиб ҳамкасби ҳам эди. Додэ уйлангандан сўнг биронта ҳам саҳифа асар ёзган эмас. Адабиётшунослар ёзувчига кўпдан-кўп ёрдам берган Жюлининг меҳнатига юксак баҳо беришади. Тўғриси, у илҳом манбаи эмас, яхшигина мусаҳҳиҳ эди.

❑ Кунлардан бир кун Вальтер Скотт черковдан чиқиб, ёмғир остида қолган ёш қизга ўзининг соябонини беради. Ўшанда ёзувчи 19 ёшда эди. Шу кундан улар дўстлашиб кетишади. Кейинчалик ўша соябон оила қуришга сабаб бўлади. Бироқ олти йилдан сўнг Маргарет Стюарт аҳдига вафо қилмасдан Вальтернинг дўсти Форбс деган бадавлат кишига турмушга чиқади. Кейинчалик Вальтер унча хуш кўрмаса ҳам Шарлотта исмли ақлли ҳамда бой аёлга уйланади. Шарлоттанинг вафотидан сўнггина уни чин дилдан севишини сезади.

«Болаларим бор пайтида ўзимни ўзим аранг тутаман, сабаби уларга ҳам бу ўлим осон бўлгани йўқ. Ёлғиз қолганда ўрни тўлмас ўкинч юрагимни ўртайди» — деган сўзларни қоғозга туширган эди ёзувчи.

❑ Чарльз Диккенс йигирма йил турмуш қурган аёли билан тўсатдан ажралишади. Бунинг сабаблари тўғрисида ёзувчининг яқин дўстларидан бири шундай ҳикоя қилганди:

«Унинг турмуш ўртоғи Катерина қобилиятсиз, содда қиз эди. Кейинчалик севимли аёл, яхши она бўлди. Бироқ эри билан тотув ҳаёт кечира олмади. Диккенс машҳур ёзувчи сифатида яхши даромад топарди. Унинг уйида эсдан чиқмас кечалар тез-тез бўлиб турар эди. Кечада Англиянинг нуфузли кишилари ҳозир бўлишарди. Ҳурматли меҳмонларнинг ичида гўзал аёллар бўлишини албатта Катерина унча хуш кўрмасди. Шунинг учун бўлса керак, у меҳмонларни чин дилдан кутиб олмас, бу ҳолат ёзувчининг обрўйига путур етказарди, майда-чуйда келишмовчиликлар кейинчалик катта жанжалга сабаб бўлди. Шундай қилиб, улар ажрашгач кўнгиллари таскин топган».

❑ Чарльз Риднинг ёзувчилик фаолияти бесамар бошланиб, ёзган пьесаларини ҳеч қаерга ўтказа олмайди. Фақат Сеймур исмли бир актрисагина унинг пьесаларини ўқиб чиқишга розилик билдиради. У Риднинг асарини ўқиб чиққач «Ҳаммаси яхши. Драматик конфликтлар ҳам йўқ экан. Сиз роман ёзсангиз бўлар экан» дейди. Чарльз нима дейишини билмай, ҳангу манг бўлиб қолади. «Албатта, сиз пьесани сотиб олади деб ўйлаган бўлсангиз керак. Афсуски, мен сотиб ололмайман. Бироқ Сиздек яхши одамни пулсиз ҳам қолдиролмайман», дейди Сеймур. Рид ўз манзилгоҳини актрисага қолдириб чиқиб кетади.

Эртаси куни унинг номига актрисадан почта орқали 5 фунт стерлинг насия пул келади. Бунга қаттиқ номусланган драматург шундай мазмунда жавоб хати юборади:

«Менга бундай мурувватнинг кераги йўқ. Пулингизни қайтиб олинг. Шундай бўлса ҳам сизнинг илтифотингиздан миннатдорман...»

Улар ўртасидаги алоқа мустаҳкамланади. Сеймур Риднинг пьесаларини саҳнага қўйишга ёрдамлашиб, роман ёзишга ундайди, ёзувчининг энг яқин кишисига айланади.

Актриса вафот этганда Рид афсусланиб бундай ёзган экан:

«Лаура Сеймур билан йигирма беш йил ҳаёт кечирдим. Энди мен учун ҳаётнинг қизиғи йўқ! О, менинг шўрлик юрагим! Мен бахтсизман! Мен у билан бирга бахтимни ҳам йўқотдим!».

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ.




*Туйғулар*

# УМР МЕЗОНИ

Табиатни оналарга менгзайман.

Она ўз фарзандини қанчалар ардоқлайди, эркалайди. То йўлга киргунча, ақлу ҳушини йиғгунча парвона бўлади. Камолга етгач эса уни мустақил ҳаёт сари йўллайди. Она энди фарзандининг болаларига меҳрини сочади. Бағрида ардоқлайди...

Табиат ҳам онанинг ўзгинаси. Нега дейсизми?

...Оламда қиш ҳукмрон. Агар ҳиммат кўрсатса олам оппоқ либосга ўралади. Худди онасининг қучоғида ётгандек. Қаттиқ совуқлар ҳам унга писанд эмас.

Пайти етиб, қиш кўрпасини йиғиштираман дейдию улгуролмайди. Баҳор келиши билан оппоқ кўрпа — қорлар эриб, сув бўлиб оқади. Ташна ер сувни шундай муҳаббат билан шимирадики, асти қўяверасиз.

Кўклам ерни эркалайди. Сарин шамоллар уни силаб-сийпалайди. Ер бағрида майса, гиёҳлар, гул-чечаклар уна бошлайди. Дов-дарахтларда куртаклар бўрта бошлайди. Наврўз айёми келиб етиши биланоқ, олам қийғос гулларга беланади. Бинафшалар кўкламнинг илк табассумидек нафис, лолаларга қараб кўзингиз тўймайди. Ўрик гулларини кўрганмисиз? Шафтоли гулини-чи? Биламан, кўргансиз, соатлаб кўз ололмай томоша ҳам қилгансиз... Лекин қандай маъно уққансиз? Шу фасл шўх-шодон болаликка ўхшайдими? Гул билан бола бир-бирига уйқашлигини ҳеч тасаввур қилганмисиз?!

Аста-аста олам яшилликка тўла бошлайди. Ёз фасли келадию гуллар ўрнида мевалар пайдо бўлади. Олтин Ёз ўз «қозонида» уларни қовура бошлайди. Ўрикларга тилларанг, шафтолиларга қаҳрабою, қирмизи тус беради. Узумларга асал таъмини беради. Назарингизда кун ўтган сари бутун олам ширага тўлиб бораётгандек туюлади.

Ёз йигитлик фасли эмасми? Йигитлик ҳам авжи ҳосилга кирган палласи эмасми умрнинг? Ҳеч шу фикрни хаёлингиздан кечирганмисиз?

Куз келади! Шу пайтда ўлкамизнинг қайси бурчагига кўз ташламанг, қайси бурчагига борманг ажиб бир манзарани кўрасиз: бунчалар ноз-неъматларини тангри ҳеч бир мамлакатга ато этмаса керак!

Шу фасл инсоннинг ҳар томонлама камолга етиб, тўлишган ўрта ёш даврига ўхшайдими?

Йилнинг сўнгги фаслини Қиш деб атаймиз. Йилимиз кексаяди. Энди у яна навқирон Баҳорнинг ташвишида. Уни ўз бағрига олиб, илитади. Сўнгида сувларга айланиб йўқ бўлади...

Инсоннинг ҳам Қиши бор: кексалик. Фақат табиатда Баҳор, Ёз, Куз, Қиш қайта туғилаверади. Инсон эса бир марта яшайди.

Одам боласи табиатдаги йил, унинг фасллари каби ўлмас бўлиб яшаши мумкинми? Ҳа, албатта! Бунинг учун унинг умри яхшилик билан йўғрилган бўлиши керак!

Яхшилик — инсон умрининг ўлчови бўлса қандай соз, қандай дилхуш, азизлар!

*Буюк меросга ҳурмат*

# ХОРИЖГА ҲАМ МАШҲУР

— Вуй, лаганнинг катталигини қаранглар, қаердан келиб қолган? — дея беихтиёр хитоб қилди Гавҳар.

— Мутафаккир бобомиз Алишер Навоий тасвири туширилган бу сопол лаганнинг ҳам бошқа экспонатларга ўхшаб ўз тарихи бор, — ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Маъмура Исмоилова атрофини ўраб олган ўқувчиларга бир-бир қараб олди-да, сўзини давом эттирди. — Катталигига эътибор беринглар. Ён-атрофдаги лаганларга нисбатан қадимийлиги билан ажралиб туради...

Шу тариқа Маъмура опа ўқувчиларни музей зали бўйлаб экспонатлар билан таништириб борар экан, дам-бадам унинг ҳикояси ўқувчиларнинг саволлари билан бўлиниб турарди.

Шаҳримиздаги 40-ўрта мактабда ташкил этилган Алишер Навоий музейи доимо одамлар билан гавжум. Унинг залидан ўрин олган 200 дан ортиқ экспонатлар ёш авлодни халқимиз тарихи,маданияти,ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг буюк мероси билан таништиришда катта хизмат қилади. Мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларидан Назиржон Ҳожиматов ва Маъмура Исмоиловаларнинг ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишни мактаб маъмурияти қўллаб-қувватлади. Аввалги кичик бир хонада ташкил этилган музей учун биринчи қаватдан катта зал ажратилди. Оталиқ ташкилоти бўлган Ўзбекистон рангли металлургия ташкилоти ёрдамида экспонатлар сақлаш учун махсус ойнали жавонлар, сурат, қўлёзмалар учун стендлар ясалди. Шаҳримиздаги «Усто» миллий ҳунармандчилик бирлашмаси ҳунармандлари томонидан зал ва деворларига ишланган махсус бетакрор ганч уймакорлиги безаклари ҳамда Алишер Навоий «Хамса»си асосида чизилган расмлар нафақат ўқувчиларни, балки музейга ташриф буюрган барча мухлисларни ўзига мафтун этади.

Зални айланар экансиз, Навоийнинг босиб ўтган ҳаёт ва ижод йўли кўз ўнгингизда намоён бўлади. Унинг болалигидан тортиб ижоди гуллаган пайтида яратган асарлари ўрин олган бўлимдаги китобларнинг баъзилари қадимийлиги билан ажралиб туради. Бўлимдан бўлимга ўтар экансиз, Алишер Навоийнинг ўзи ёзган асарлари замондош ёзувчиларимиз томонидан ёзилган унинг ўзи ҳақидаги асарлари билан алмашиниб боради. Турли йилларда нашр этилган Алишер Навоий ҳақида ёзилган газета ва журналлар ҳам ниҳоятда сараланиб, дид билан терилган. Айниқса «Алишер Навоий образини яратган санъаткорлар», бўлимлардаги экспонатлар, суратлар кўпчиликни бефақр қолдирмайди. Алишер Навоийнинг асарларига ишланган расмлар, ҳикматли сўзлари йиғилган бўлимлар ҳам ниҳоятда тарбиявийлиги билан ажралиб туради. Турли йилларда музейга тақдим этилган Алишер Навоий тасвири туширилган чинни термалари, кўзалар, лаганлар бўлими ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши табиий. «Миллий чолғу асбоблари» бўлимига қўйилган чолғу асбоблари музейнинг экспонатларини нафақат бойитади, балки ташриф буюрувчиларга Алишер Навоий давридаги қадимий миллий мусиқа тарихидан ҳикоя қилади. Шунингдек, музейда ўқувчилар томонидан тақдим этилган 300 га яқин реферат, альбом ва деворий газеталар ўрин олган.

Музейда ўқувчилар билан Навоийхонлик кечасини ўтказаётган бошланғич синф ўқитувчиси Фарида Маликова бундай дейди:

— Музейлар аслида маданий-маърифий маскан. Бу ерда мактабимизнинг кўп ўқитувчилари адабиёт ва ўқиш дарсларини ўтадилар. Чунки ўқувчилар китобдан ўқигандан кўра кўз билан кўриб дарс сабоғи олсалар фойдадан ҳоли бўлмайди. Бошланғич синф ўқитувчилари ҳам тез-тез кириб турадилар. Ҳар йили навоийхонлик дарслари музейда ўтказилади. Шунингдек биз катталар ҳам вақти-вақти билан кириб турамиз. Чунки катта маънавий озиқа олиш билан бирга, руҳан дам олиб чиқамиз.

Биз музейни томоша қилиб бўлгач таассуротнома китобини ҳам бир кўздан кечириб чиқдик. Ундаги ёзилган дил сўзларини ўқир эканмиз, яна бир бор халқ таълими фидойилари ишига тасанно айтамиз. Чунки бу китобдан нафақат республикамиз фуқаролари балки, Туркия, Покистон, Америка Қўшма Штатларидан келган меҳмонларнинг ҳам қойил қолиб ёзган дил сўзлари ўрин олган.

Дония ЗОКИРОВА.

*Сиз кутган учрашув*

# ИЯ, ЛАБЕРТИНО-КУ...

***Алишер Отабоевнинг болаларча самимий чеҳраси, содда дили, одамийлиги, камтарлиги, дилкаш суҳбатдошлиги мени мусоҳабага чорлади. Мен бу умидли инсон билан илк бора мулоқотда бўлишим. Унинг ҳақ гаплари, мушоҳадали фикрларидан кейин, яна бир бор санъаткорлар қалбининг менга яширин жиҳатларини кашф этгандек бўлдим.***

Ҳа, дарҳақиқат, актёр саҳнага талпинади, саҳна, томошабин учун яшайди. Унга олқишу гуллардан, самимий, оташин «раҳмат» деган сўздан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Мусоҳабадан анча илгарироқ, менга суҳбатлари насиб этмаган, санъаткор Раҳим Пирмуҳаммедовни тушимда кўрган, у билан суҳбатлашган эдим.

У киши қандайдир иморат қураётган экан. Мен сув тўла ариқда келяпман. Раҳим ака сават тўла нондан 2 та бериб, «Мени ҳам ёз» дедилар. Шу-шу тушимнинг моҳиятига ета олмай юрган кезларим Алишер Отабоевни учратдиму лоп этиб Раҳим ака ёдимга тушди, у кишини ёш актёрда кашф қилгандек бўлдим.

Актёр 1980 йил маданият техникумини тамомлаб, Муқимий номли ўзбек Давлат мусиқали театрига ишга киради. Нодир Нозимхоновнинг «Болам, сенда бир нарса борга ўхшаяпти, ўзингни саҳнага тайёрла» деган насиҳатлари билан, ўзида журъат топиб, саҳнага яқинлашишга ботинди. Дастлаб Наби Халилов бошчилик қилаётган миллий ансамблда ғижжакчи бўлиб фаолият юритди.

— Саҳнага илк бор чиққанимни кўрсангиз, — дея хотирлайди актёр, — худди ҳамма менга қараётгандек, терлаб кетяпман. Мана буни имтиҳон деса бўлади. Саҳнада оёққа туришимга, унинг сирларини ўрганишимга Фароғат Раҳматова, Насриддин Рустамов, Равшан Солиҳовларнинг хизматларини эслаш ҳам қарз, ҳам фарз. Томошабин олдига чиқишнинг ўзи бўлмайди. Ҳозир ҳам кимдир саҳнага чиқса, у билан баробар ҳаяжонланаман...

— Устозим Равшан Солиҳов ўта талабчан ва қатъиятли, — дейди актёр. — Ўз устимда қайта-қайта ишлашни талаб этадилар. Ижодкорнинг бағри кенг бўлиши, хотиржамлиги, «шошиб турибман» деган ибора унга ёт бўлиши керак, дея уқтиради. Равшан ака билан саҳнада, ҳам дублёр бўлиб салкам 10 йилга яқин ишлаб келяпмиз.

Алишер Отабоев театр саҳнасининг асарларидан ҳисобланмиш «Куёвлар танлови»,



«Ғилманой савдогар», «Дилафрўзга тўрт ошиқ», «Тошкентга саёҳат» спектаклларидаги сиймоларни ўзига хос талқин билан томошабинлар эътиборига ҳавола қилиб, таҳсинга сазовор бўлмоқда. Актёр: «Тўғриси чўчиганим ва ёқтирмаганим — тақлид», дейди. У яратган аёллар сиймосини ҳам эркакшода характерда талқин қилиниши, актёр саҳнада ўйин жараёнида кашф қиладиган имо-ишора, сўзлар фикрининг исботи.

— Кўпинча ролларингиз комик жанрга мансуб бўлиб, кишида беихтиёр кулгу уйғотади, — деган саволимизга у шундай деди:

— Қизиқчиликка даъвоим йўқ. Актёр бўлиш учун эса тўғриси озгина бўлса ҳам худо юқтирган бўлиши керак-да. Кўп нарса режиссёр — актёр муносабатига ҳам боғлиқ. Қарс икки қўлдан чиқади. Режиссёр бор нарсани йўқотиши, ё йўқдан бор қилиши ҳам мумкин деб биламан, «Оқ тулпор изидан» фильмида режиссёр Толиб Ҳамидов билан ишлаганимда бунинг гувоҳи бўлганман. Кўча-кўйда, бозор-ўчарда орқаваротдан «О, Лабертино», «Ана Лабертино», «Ия, Лабертино-ку» —деган сўзларни эшитсам тўлқинланиб, ҳаяжонли титроқ босади ва саҳна, қолаверса телевидение, кино имкониятлари олдида лол қоламан».

Ҳа, экран, саҳна имкониятлари олдида ҳаммаси ўтаверсин. Чунки Асад Исматовни — Ҳусайн Бойқаро, Раззоқ Ҳамроевни — Алишер Навоий, Шукур Бурхонни — Шоҳ Эдип, Ҳамза Умаровни — Ҳомидбой, Муҳаммадали Абдуқундузовни — Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Алишер Отабоевни — Лабертино қилган мана шу оташин санъаткорлар руҳи кезган мўътабар даргоҳлар бўлади.

Маҳлиё МИРСОАТОВА.
СУРАТДА: Алишер Отабоев (ўнгда) «Ур тўқмоқ» томошасида.

# БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

***Дунёда болаларнинг тилидан кўра ширинроқ нарса бормикин? Уларнинг ёқимли, беғубор талаффузи катталарга қанчадан-қанча қувонч, хуррамлик бахш этади. Баъзан бола фикрининг жуда содда ва жуда мураккаблигига (яъни, ўйламай туриб қизиқ нарсаларни айтиб юборишига) киши ҳайрон қолади. Биз қуйида 2 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларнинг кулгили гапларидан келтирамиз.***

## УЗУН КЕЛГАН КЎЙЛАК

Тўрт ёшли Зиёда ўн ёшли опаси Ситора билан кўпинча нарса талашишади. Катталар эса кўпроқ кичик бўлгани учун Зиёдага ён босишади.

Бир кун Зиёда опасининг кўйлагини кийиб олиб, бувисига кўз-кўз қилиб мақтанди:

— Бувижон, кўрвоссими мани аллас кўйнагимми?

Бувиси:

— Бу опангнинг кўйлаги-ку, — деди.

Зиёда:

— Йў-ўқ, бувижон, бу ўзи мани кўйнагимийди, менга узун келиб қолгани учун опамга берувдимде, энди яна ўзим оволдим, — деди.

— Бор, ечиб қўй, бўлмаса опанг сени уради.

— У мани урса, у кичкина бўлганида манам уни ураман, — деди Зиёда.

## ЖОЙИНИ ТОПДИ

— Опа, бизага тезизирни ёқиб беринг, биза Умид билан нутфильм кўрамиз, — деди Зиёда.

— Қаерда ўтириб кўрасизлар?

— Кавалатга чиқволиб кўрамиз.

## ХАРХАША

Маъруф егиси келмаса ҳам гожлик қилиб, акасига:

— Ака, манга анор беринг, — деб хархаша қилди. Буни кузатиб турган ойиси:

— Қўй, берма, ҳамма ёғини шира қилади, ўзи егиси келмаяпти, — деди.

— Беринг, егисим кевотти, — деб туриб олди Маъруф.

Мақсуда СОДИҚОВА.

# МУҲАББАТ

Муҳаббат, сен қанчалар мўъжизакорсан!

Унинг одати жуда ҳам қизиқ эди. Оламда нима бўляпти — мутлақо парвойи фалак эди. Қизларгаку тамом беэътибор эди. Ҳатто байрам кунлари ҳамма синфдошлари қизларни табриклаш учун нима оламиз, деб қизғин баҳслашса, у илжайиб, уйига жўнаб қоларди. Қизлар уни шунчалар ёмон кўриб қолишгандики...

Хуллас, у ўзга сайёрадан келган одамга ўхшарди. Ё тавба, у шунақанги ўзгариб кетдики... Ўнинчи синфни тугатадиган йили 8 март арафасида синфга бир даста гул кўтариб келди. Қизларнинг кўзлари қувончдан порлаб кетди. Лекин юзларида ўша онда бир савол зоҳир бўлди: кимга бераркин? Синфнинг гўзали ҳисобланган Мактуба хотиржам эди: менга бўлмай кимга бўларди! Лекин унга бир дона ҳам гул насиб этмади. Қуруқ табрик билан кифояланди. Ниҳоят юзларида ўзига ярашган холи бор, кўзлари мунислик билан боқувчи Дилфуза синфга кириб келди. Қиз сумкасини ўзи ўтирадиган партага қўйиши билан у ўрнидан турди-да, гулларни унинг қўлига тутқазди:

— Таб... табриклайман...

Дилфуза лоладек қип-қизариб кетди. Юзларини гуллар ичига яширди.

— Раҳмат... Турсун... — деди у шивирлаб.

Бутун синф бу шунчаки табрик эмас, изҳори дил эканини сезиб турарди. Гўзал Мактуба Дилфузани қучди:

— Мунча бахтлисан, Дилфуз...

Шундан бери Турсунбой гулларга айрича меҳр билан қарай бошлади... Ҳовлисини чиройли гулзорга айлантирди. Ўғлидаги бунчалик меҳнат, тиришқоқликни кўрган ота севинди:

— Қилсанг бўларканку! Қара, ҳовлимиз одам яшайдиган ҳовлига ўхшади.

Турсунбойнинг юрагидаги туғёнларни, ҳисларни бу уйда фақат бир киши — онагина тушунарди. Бўлажак келинини ўзича тасаввур қиларди.

... Йиллар ўтди. Турсунбой билан Дилфузанинг болалари мактабни ҳам тугатишди. Бахтиёр ота ҳар байрамда бахтиёр онага бир даста гул келтиради. Ҳар сафар гулларни олар экан Дилфуза лоладек қизариб кетади... Қулоқлари остида гўзал Мактубанинг гаплари янграб кетгандек бўлади:

— Мунча бахтлисан, Дилфуз...

...Бу гал шу бахтли аёлнинг қизи Дилдора бир қучоқ гул кўтариб келди... Юзлари лоладек қизил...

Муҳаббат, сен қанчалар мўъжизакорсан!

Ғолиб МИРЗО.

*Табиби ўзингиз*

# ШАМОЛЛАБ ҚОЛСАНГИЗ

❑ Агар бурнингиздан сув оқса, аввал қўлингизни (тирсагингизгача), сўнг оёғингизни иссиқ сувда ванна қилинг.

***

❑ Гриппга йўлиққан бўлсангиз, унга қарши дорилар ичишга шошилманг. Бир дона пиёзни қирғичдан ўтказиб, икки қошиқ асалга аралаштирингда, ҳар икки соатда бир ош қошиқдан ичиб туринг. Чунки пиёз таркибида худди антибиотик каби таъсир кўрсатадиган моддалар бор.

***

❑ Мойчечак (ромашка)ли буғ бурун шиллиқ пардаларининг шамоллаши касалига энг яхши даво ҳисобланади. Мойчечакнинг қуритилгани дорихоналарда сотилади.

***

❑ Томоқ оғриғига қарши сузмадан компресс тайёрлаш мумкин. Бунда сузма рўмолга қалин суртилади ва томоққа бойланади.

***

❑ Йўталга қуйидагича даво қилиш мумкин: турпни қирғичдан ўтказиб суви сиқиб олинади ва асал билан аралаштирилади. Ҳосил бўлган суюқликни ҳар ярим соатда уч ош қошиқдан ичиб турилади.

Мадина РИХСИЕВА тайёрлади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

